

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2024 йил март ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Паркент туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,
раислик қилувчи Ф.Ҳайитов,
судья ёрдамчиси С.Юлдашеванинг котиблигида,
тарафлардан Паркент тумани прокурорининг ёрдамчиси Ш.Рўзиев, судланувчининг ҳимоячиси Ё.Сафаров, жабрланувчи Н.Пирназарова, судланувчи М.Анорбоевнинг иштирокида:

1991 йил 9 декабрь куни Паркент туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2016 йил 14 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандларига асосан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, шу суднинг 2016 йил 3 декабрдаги ажримига кўра, 2016 йил 12 октябрдаги ... амнистия тўғрисидаги қарорининг 2-бандига асосан жазодан озод этилган;

2) жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2020 йил 24 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмига асосан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, шу суднинг 2021 йил 1 ноябрдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган 8 ой 9 кунини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, судланмаган, Паркент тумани, Олмазор маҳалласи, Элобод кўчаси, 101-уйда яшовчи, 2023 йил 28 ноябрь куни процессуал тартибда ушланган ва “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 15 декабрда олган **Анорбоев Муҳаммад Махаматович (Anorboyev Muhammad Maxamatovich)**ни

Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланиш ҳақидаги 1-1112-2401/27-сон жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни



а н и қ л а д и

Судланувчи 2023 йилнинг 2 ноябрь куни соат тахминан 19:00ларда фуқаро Н.Пирназарованинг Паркент тумани Самсарак маҳалласи, Самсарак кўчаси, 138-уйига ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида ғайриқонуний равишда кириб, уйнинг ичкаридаги хоналарида бўлган пайтида уйга фуқаро Н.Пирназарова ҳамда фарзанди С.Бахтиёровлар келиб қолиши натижасида ҳеч қандай мол-мулкларни талон-тарож қила олмасдан хонадон тандирхонаси орқали девордан ташқарига ошиб чиқиб ҳодиса жойидан қочиб кетиб, ушбу ҳаракатлари билан уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилишга суиқасд қилиш жиноятини содир этган.

Судда судланувчи М.Анорбоев ўзига қўйилган айбловга иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 2 ноябрь куни соат 19.00ларда маст ҳолатда бўлиб қолганлиги сабабли илгари ўзи ишлаб кетган фуқаро Н.Пирназарованинг хонадонига девор орқали кириб, хонадоннинг ичидаги бир хонага кирганини, лекин уйига кирган захоти уйнинг эгаси Н.Пирназарова ҳамда унинг ўғли келганини кўриб қолганини, у хонада турган пайтида Н.Пирназарованинг ўғли Саид келиб қолиб уни кўриб қолганини, у унга жим туришини айтиб қочганини ва қочиш пайтида уйнинг дераза роми ва ойнасини синдириб юборганини, Саид унинг орқасидан югуриб уни нимадир билан урганини, у ховлининг тандирхонаси орқали девордан ошиб чиқиб қочиб кетганини, у хонадондан ҳеч нарса ўғирлашга улгурмаганини, синдирилган дераза ва ром учун қариндошлари томонидан жабрланувчига зарарни қоплаб беришганини, қилмишидан афсусдалигини, у жабрланувчилардан кечирим сўрашини, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда жабрланувчи Н.Пирназарова ўз кўрсатувида у оиласи билан Паркент тумани Самсарак маҳалласи, Самсарак кўчаси, 138-уйда яшаб келишини, 2023 йил 2 ноябрь куни ўғли билан бозордан уйга келишганларини, дарвозадан ховлига кирганларида уйнинг эшиги очиқ қолганини кўриб ҳайрон қолганини, кейин ўғли билан уйга кирганларини, ўғли хонасига кирганидан сўнг бақириб юборганини, у ўғлининг овозига югуриб борганини ва ўша ерда бир нотаниш одам уйдан чиқиб қочиб кетаётганини кўрганини, унинг ортидан ўғли югуриб борганини, ўша нотаниш одамнинг юзини кўрганини, у судланувчи М.Анорбоев эканини, М.Анорбоев девор орқали кўчага чиқиб кетиб қочиб кетганини, лекин қочиш давомида уйдаги дераза ромини ҳамда ойнасини, шунингдек ўғлининг телефони ҳам урилиб синиб кетганини, шунингдек М.Анорбоевнинг кепкаси ҳам тушиб қолганини, М.Анорбоев



уйидан ҳеч нарса олиб чиқмаганини, тергов ҳаракатлари давомида М.Анорбоевнинг қариндошлари томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплаб берилганини, шу сабабли судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, судланувчи ёшлигини инобатга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик беришини сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ С.Бахтиёров ўз кўрсатувида у ота-онаси билан Паркент тумани Самсарак маҳалласи, Самсарак кўчаси, 138-уйда яшаб келишини,

2023 йил 2 ноябрь куни у онаси билан бозордан ховлисига келишганини, лекин уйнинг эшиги очиқ қолганини кўрганини, у ўзининг хонасига кириб борганини ва қаронғуда унинг оғзини кимдир қули билан жим туришини айтганини, у кўрқиб ўзини орқага ташлаб бақриб юборганини, шунда хонасидан бир нотаниш одам югуриб чиққанини, уни қувиб кетганини, ўғри одам деразага урилиб акфа ром ҳамда ойнасини синдириб юборганини, кейин югуриб тандирхонанинг деворидан ошиб кўчага чиқиб қочиб кетганини, ўша одам югуриш пайтида ўзига тегишли бўлган кепкасини ховлида тушириб қўйганини, ушбу кепка ички ишлар ходимлари томонидан олиб кетилганини, судланувчи М.Анорбоев ўша одам эканлигини баён қилди.

Судланувчи М.Анорбоев айбига иқрорлигини билдирган бўлсада, унинг айби ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, олинган ашёвий далиллар ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам ўз исботини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, юқорида келтирилган далиллар, уларни тўплаш билан боғлиқ процессуал қоида ва тартибларга риоя қилинган ҳолда олинганлиги учун мақбул далиллар деб эътироф этиб, улар ҳақиқатга мувофиқ бўлганлиги сабабли ишончли ҳамда судланувчининг ҳаракатларини баҳолашда етарли ҳамда ишга алоқадор деб ҳисоблайди.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи М.Анорбоевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан квалификация қилингани билан қуйидагиларга кўра келиша олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасининг биринчи қисмига кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.



Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Мазкур кодекснинг 23-моддасига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Мазкур кодекснинг 95-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар.

Мазкур кодекснинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми таҳминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида тум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган



ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сон қарорининг 2-бандига кўра, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик деб, ҳужум қилиб ҳаёти ёки соғлиги учун хавfli бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитганда эса босқинчилик деб тавсифланади.

Мазкур қарорнинг 5-бандига кўра, ўзгалар мулкани талончилик ва ўғрилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиги учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади.

Иш ҳужжатлари ҳамда суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи М.Анорбоев жабрланувчи Н.Пирназаровнинг хонадонига ғайриқонуний равишда кириб, жабрланувчининг ҳеч қандай мол-мулкни талон-торож қилишга ҳали улгурмасданок, уйга жабрланувчи келиб қолганлиги сабабли, у ўз жиноятини ўзига боқлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра оҳиригача етказа олмасдан ҳеч қандай мол-мулксиз воқеа жойидан қочиб кетган.

Суд, ушбу ҳолатда судланувчи М.Анорбоев томонидан мулкка эгалик қилишга улгурмаганини, шунингдек мулкка эгалик қилиш мақсадида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатмаганини ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитмаганлиги сабабли, унинг ўзганинг уй-жойига ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилишга суқасд қилишда ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “б” бандидан ЖК 25,169-моддаси 2-қисмининг

“г” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига асосан судланувчи М.Анорбоевнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган моддий зарар жабрланувчига тўлиқ қопланганлиги ва жабрланувчининг даъвоси йўқлиги жазони



енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Анорбоевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги;

қарорнинг 3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги Қонунни қўллаш бўйича берилган тушунтиришларга риоя қилиб;

Суд, судланувчи М.Анорбоев томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 2-қисмининг “г” бандида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан М.Анорбоевнинг 2023 йил 28 ноябрдан 15 март кунига қадар қадар ушлаб туриш ва қамоқда сақланган 3 ой 18 куннинг ҳар бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб ҳисоблашни;

унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

иш бўйича олинган ашёвий далил бир дона “Редми” телефон аппаратини эгаси Н.Пирназаровага қайтаришни;

иш бўйича ашёвий далил 1 дона эркаклар кепкасини М.Анорбоевнинг яқин қариндошларига қайтаришни;

манфаатдор шахсларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468 ва 471-473-моддаларига асосланиб, суд

ҳ у к м қ и л д и:

Анорбоев Мухаммад Махаматович (Anorboyev Muhammad Maxamatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 69-моддаси 2-қисмининг “г” бандида назарда тутилган



жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу моддага асосан сутканинг соат 22:00дан 06:00га қадар бўлган вақт мобайнида яшаш жойи - Паркент тумани, Олмазор маҳалласи, Элобод кўчаси, 101-уйдан чиқишини чеклаган ҳолда 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан М.Анорбоевнинг 2023 йил 28 ноябрдан 15 март кунига қадар қадар ушлаб туриш ва қамоқда сақланган 3 ой 18 куннинг ҳар бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб, ўталган деб ҳисоблаб чегириб ташлаб, ўташ учун сутканинг соат 22:00дан 06:00га қадар бўлган вақт мобайнида яшаш жойи - Паркент тумани, Қўличи маҳалласи, Боғичинор кўчаси, 6-уйдан чиқишини чеклаган ҳолда 2 (икки) йил 8 (саккиз) ой 12 (ўн икки) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

М.Анорбоевнинг зиммасига:

-оммавий тадбирлар (байрам сайллари, намойишлар, митинглар)да иштирок этмаслик;

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудини ИИО Пробация гуруҳининг розилигисиз тарк этмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

М.Анорбоевга нисбатан тайинланган жазони ижро эттириш ҳамда ижросини назорат қилиш Паркент тумани ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати М.Анорбоевнинг Паркент тумани ИИО Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

М.Анорбоевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил 1 дона эркаклар кепкаси М.Анорбоевнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Манфаатдор шахсларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида, туман суди орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.



Раислик қилувчи:
Ф.Хайитов

Маъсул судья: Хайитов Фарход Адхамович



Хужжат имзоланган: Хайитов Фарход Адхамович, 09.08.2024

